*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ШАНБА СОНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 240 (9886). ● 1990 йил 15 декабрь ● Баҳоси 5 тийин.

● *Маданият янгиликлари*

## «СЕВГИ ТУМОРИ»— ПЛАСТИНКАДА

● Мухтор Ашрафийнинг «Севги тумори» балети ўзбек совет мусиқаси тарихига ёрқин саҳифа бўлиб кирган. Санъат мухлислари «Мелодия» фирмаси чиқарган пластинкада ана шу асарни эшитишлари мумкин.

Пластинка Мухтор Ашрафий таваллудининг 80 йиллиги арафасида чиқарилди. Унинг дастлабки нусхаси бастакорнинг Тошкентдаги уй-музейига берилди. Жумҳуриятимизда ягона бўлган бу мусиқа маданияти музейида 15 мингдан кўпроқ экспонат тўпланган. Унинг ҳужжатгоҳида ўзбек мусиқа маданияти тараққиётининг 40 йиллик даври қамраб олинган. Партитуралар, ҳужжатлар, суратлар, бошқа ашёлар биринчи ўзбек операсига, симфониясига, дирижёр ижрочилигининг дастлабки ютуқларига бағишланган.

*

## ДОИРА РАҚСГА ЧОРЛАЙДИ

● Тошкентлик халқ мусиқасининг жонкуяри С. Тўхтақулов ёш доирачилар дастасини тузди. Фурқат номли маданият уйи улар машқ ўтказиши учун хона ажратди. Болалар доира чалиш сирларини ўргана бошладилар, ўзларининг устозлари сингари маҳоратни ўрганишга киришдилар. Ўзбек ва Афғон куйларидан иборат дастлабки концерт программасини ҳам туздилар. «Ўзбекистон» маҳалласида берилган концерт янги жамоа учун имтиҳон бўлди.

**— Бундай дасталар қанчалик кўпайса, ўсмирлар кўчаларда бекордан бекорга санғиб юрмайдиган бўладилар, дейди С. Тўхтақулов. — Мусиқа эса нафақат ишсизликнинг давоси, айни вақтда дилларга ором берувчи ажойиб малҳамдир. Қўлига рубоб ёки доира олган кишининг кўнглида ёвузлик ва шафқатсизлик бўлмайди.**

(ЎзТАГ).

## ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИДА

ССЖИ Президенти М. С. Горбачевнинг топшириғига мувофиқ хорижий мамлакатлардан келаётган инсонпарварлик ёрдамини қабул қилиб олишни ташкил этишга кўмаклашиш учун жамоатчилик комиссияси тузилди. Унга Президентлик Кенгашининг аъзоси В. А. Ярин бошчилик қилади.

Комиссия таркибида ССЖИ, РСФСЖ, бошқа жумҳуриятлар Олий Кенгашларининг депутатлари мамлакатимиздаги таниқли маданият арбоблари, бир қанча жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, шу жумладан ССЖИ Олий Кенгашининг аъзоси М. Н. Раҳмонова, РСФСЖ Олий Кенгашининг аъзоси Е. Ф. Лахова, ноҳия касалхонаси бўлимининг мудири З. Н. Тикачева (Белоруссия), зоотехник, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. П. Живетьева (Новосибирск вилояти), Дятьков биллур заводининг ишчиси М. В. Ермакова (Брянск вилояти), РСФСЖ халқ артисти А. С. Демидова, Тошкент шаҳридаги 22-болалар уйининг директори А. П. Хлебушкина, ССЖИ халқ артистлари М. Л. Биешу, И. М. Смоктуновский, А. В. Баталов, митрополит Питирим, Москва синагогининг раввини А. С. Шаевич, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг академиги Т. А. Саримсоқов, ССЖ Олий Кенгашининг аъзоси Д. Н. Кугультинов, ССЖИ космонавт-учувчиси А. А. Серебров ва бошқалар бор.

Улар ССЖИ Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари Л. А. Воронин билан учрашувда инсонпарварлик ёрдамини етказиб бериш ва уни тақсимлаш борасидаги ишларнинг аҳволи билан танишдилар, жамоатчиликнинг бу ишда қатнашиш усулларини муҳокама қилдилар. Учрашувда Президентлик Кенгашининг аъзоси В. И. Болдин қатнашди.

Ушбу комиссиянинг фаолияти тўғрисида жамоатчиликка кенг хабар беришга қарор қилинди. (ТАСС).






**● Пойтахтдаги «Скопле» магазини олдида харидорлар тирбанд. Улар ўз навбатлари келишини чидам билан кутишмоқда. Бу ерда чет элда ишлаб чиқарилган ноёб маҳсулотлар савдоси ташкил этилди. Албатта, кимнинг ҳамёни кўтарса олади. Бўлмаса, кўзи куйиб, томоша қилиб кетаверади. Савдо Вазирлиги қошидаги махсус комиссия нархларни бошқариб туради. Савдодан тушган маблағ ёшлар ҳамда пенсионерларга айрим молларни имтиёзли нархда сотишдаги фарқларни қоплашга сарфланади.**

**СУРАТЛАРДА:** сотувга чиқарилган ноёб моллар. Харид пайти.

А. РИСҚИЕВ сурати.

(ЎзТАГ).

## ССЖИ Фанлар академияси комиссиясининг мажлиси

13 декабрь куни Ўзбекистон пойтахтида ССЖИ Фанлар академияси Ўрта Осиё ва Қозоғистон муаммолари билан шуғулланувчи илмий комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Москва, Олмаота ва Тошкент иқтисодчи олимлари қатнашмоқдалар. Улар бозор муносабатлари шароитида иқтисодий ҳамкорлик ғояларини амалда рўёбга чиқариш, минтақанинг саноати ва қишлоқ хўжалиги тузилишини ўзаро манфаатларни эътиборга олиб такомиллаштириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Мажлис қатнашчилари Ўрта Осиё жумҳуриятларида бой табиий ва минерал ресурслар борлигини таъкидладилар. Аммо бу ресурслардан ҳозирча самарали фойдаланилмаяпти, кейинги вақтларда вужудга келган иқтисодий алоқалар бузила бошлади.

Мажлисда комиссиянинг ўз ишини қайта қуриш зарурлиги, бу комиссия ўз куч-ғайратларини минтақа жумҳуриятларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш: ресурсларни тежаш, экология, пахтачилик комплексини такомиллаштиришнинг энг муҳим муаммоларини ҳал қилишга сафарбар этиш лозимлиги таъкидланди. (ЎзТАГ).

✦ ✦ ✦

## ССЖИ Олий Кенгашида

ССЖИ Олий Кенгаши ССЖИ Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, қарор қилди: ўртоқ Николай Семёнович **Трубин** ССЖИ Бош прокурори этиб тайинлансин; ўртоқ Сергей Геннадьевич **Лушчиков** ССЖИ Адлия вазири қилиб тасдиқлансин; ўртоқ Вениамин Федорович **Яковлев** ССЖИ Адлия вазири вазифасидан озод этилиб, ССЖИ Бош давлат ҳаками қилиб тайинлансин.

(ТАСС).



## ҚУТЛОВ



# САҲНА УЧУН ТУҒИЛГАН



Халқ ихлоси, меҳр-муҳаббатини қозониш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Томошабин барча санъаткорга ҳам бирдек қарсак чалиб, олқишлайвермайди.

Лекин Лутфулла Саъдуллаев саҳнага чиқса, гулдурос қарсаклар янграйди. Ойнаи жаҳонда кўринса, зўр иштиёқ билан кузатишади. Унинг ҳар бир ҳатти-ҳаракати эътиборни жалб қилади. Гўё у саҳна учун туғилгандек.

...Ёдингизда бўлса «Ўкинч» видеофильмининг қаҳрамони Шокир ичкилик туфайли ҳамма нарсадан айрилади. Ана шу кўрсатувдан сўнг телевидениега кўплаб мактублар келди. Хатларнинг бирида шундай дейилади: «Мен Шокирнинг аянчли аҳволга тушиб қолганининг гувоҳи бўлдим ва ўзимга хулоса чиқардим. Стол устида турган ароқни ичмасдан, синдириб чил-чил қилдим. Сўнгра ароқхўрлигим туфайли фарзандларимизни олиб онасиникига кетиб қолган хотиним олдига бориб тиз чўкдим, узр сўрадим. Болаларим мени танишмади. Юрагим тилка-пора бўлиб кетди. Мен ҳам Шокир кўйига тушиб қолаёзганимни яна бир бор хис этиб, оиламни уйга қайтардим».

Иккинчи мактубни эса опасингиллар йўллашибди. Улар телевидение раҳбарларидан ана шундай таъсирли видеофильмларни дам олиш кунлари намойиш этишни сўрашган. «Иш кунларида дадамиз уйга маст ҳолда келиб, телевизор кўрмайдилар. Дам олиш куни ичмаган пайтларида кўрсалар эҳтимол хулоса чиқариб олармидилар», — деб ёзади қизлар.

Тожикистон театрларининг бирида Й. Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрининг «Ким айбдор» спектакли намойиш этиляпти. Саҳнада ота ҳамда унинг ноқобил, қулоқсиз ўғли. Ота ўғлининг бебош бўлиб кетаётганидан ғазабланиб, уни камар билан урмоқчи бўлади. Ўғил эса, табиийки, калтак ейишни истамай, саҳнанинг нариги тарафига қочади. Шу пайт саҳна остига тушиладиган йўлакчанинг қопқоғи очиқ эканини сезмаган актёр — ота бехосдан тушиб кетади. Кутилмаган бу ҳол ёш актёр — ўғилни эсанкиратиб қўяди. Залда жимжитлик. Томошабинлар нигоҳларини саҳнадан узишмайди. Энди актёрдан уддабуронлик, топқирлик талаб қилинади. Юз берган вазиятнинг сохталигини сездирмаслик учун у «ойи, дадам сизга неча марта айтганлар, сабзи ўранинг оғзини очиқ қолдирмагин деб» дейди. Ота саҳнага чиқиб олгач эса «дада, агар сиз мени яна урсангиз, ойим кир ўранинг қопқоғини ҳам очиб қўяр эканлар», деган гаплар билан ноқулай вазиятдан чиқиб кетади.

Спектаклда Ота ролини марҳум Саттор Ўразбоев, ўғил ролини эса Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, истеъдодли актёр Лутфулла Саъдуллаев ижро этган.

Лутфулла Тошкент шаҳрида оддий бир оилада дунёга келди. Отаси эски шаҳардаги дўконларнинг бирида ишларди. Онаси эса 8 нафар фарзанд тарбияси билан банд эди. Лутфулла ўзидаги дадиллик, мустақиллик ҳамда ишбилармонлик билан ака-укалари орасида ажралиб турарди.

Ўрта мактабда ўқиб юрганида у театр тўгарагига қатнай бошлади. Турли бадиий ва адабий кечаларда иштирок этиб, кичик-кичик ролларни бажарди. Ундаги қобилиятни кўрган тўгарак раҳбари — рус тили ўқитувчиси Полина Семёновна Альтер «сен албатта актёр бўлишинг керак» дейди.

1959 йил етуклик аттестатини олган Л. Саъдуллаев ҳужжатларини Островский номидаги театр ва рассомлик санъати институтига топширди. Бироқ омади келмади. Ўқишга киролмагач, қурилишда ишлай бошлади. Бир йилдан сўнг институтда янги очилган кечки бўлимнинг актёрлик факультетига ўқишга кирди. Қудрат Хўжаев, Назира Алиева, Альберт Хачатуров сингари талабчан ўқитувчилар Лутфулладаги қобилиятни дарҳол пайқашди, унга алоҳида эътибор беришди.

Актёрлик ҳаётига дадил кириб келган Л. Саъдуллаев толиблик вақтидаёқ Й. Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театрига ишга қабул қилинди. Энди у етакчи актёрлардан сабоқ ола бошлади. Лутфулла «Пўлат қандай тобланди?»да Корчагин, «Нуридийдам Володя»да Володя, «Муса Жалил»да бош қаҳрамон Муса сингари ўлмас образларни ўзига хос талқин этди. Уларнинг жонли, ишонарли чиқишида қурилишда ишлаб, чиниққани ҳам анча қўл келди. Йигитча истеъдодининг серқирра эканини кўрган театр бадиий раҳбари Амин Турдиев унга бир-бирига ўхшамаган, актёрдан етук маҳорат талаб қиладиган жиддий роллар топшира бошлади. «Офтоб шуъласи»даги шаҳзода Салом, «Чандунинг саргузаштлари»даги Чанду образлари ҳам актёр томонидан завқ билан ижро этилди.

Лутфулла эртак қаҳрамонларини ҳам кичик томошабинларга қиёмига етказиб тақдим этади.

— Машҳур «Олтин калитча» эртагида Буратинони ўйнаётган эдим, — ҳикоя қилади у. — Қўғирчоқлар қироли жоҳил Карабас-Барабас Буратинони занжир билан боғлаб қўяди. Шу пайт саҳнага бир бола югуриб чиқиб, занжирни бўшатишга урина бошлайди. Орқа ўгириб турган Карабас буни сезмай қолади. Мен эса болага, спектаклни бузма, дея олмайман. Шунда «яшавор, болакай» деб бақирдим. Карабас вазиятни дарҳол тушунди-ю, «шўхлик қилма, бўлмаса сени ҳам боғлаб қўяман» деб уни саҳнадан тушириб юборди. Бундай ҳоллар тез-тез такрорланиб туради. Болалар қандай кўрса ўшандай қабул қилишади. Демак Карабас ўзига нисбатан ғазаб, Буратино эса шафқат уйғота олган. Бу актёр учун жуда муҳимдир.

1965 йил институтни тамомлаган Л. Саъдуллаев театрда ижод қилиш билан бирга Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари орқали ҳам танила бошлади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувининг доимий иштирокчисига айланди.

Санъат осмонида «ярқ» этиб порлаган «юлдуз»ни кўплаб режиссёрлар тезда илғаб олишди. «Шум бола»даги Омон, «Қисмат»даги Берди, «Инжа Мамат»даги Мамат, «Одам бўлиш қийин»даги Абдулла, «Баҳор қайтмайди»даги Алимардон, «Эрк» видеофильмидаги Саттор образлари кўплаб телетомошабинлар қалбидан мустаҳкам ўрин олган десак муболаға бўлмайди.

Л. Саъдуллаевнинг муваффақиятли ролларидан яна бири болгар ёзувчиси Панчо Панчевнинг «Тўрт эгизак ҳақида эртак» спектаклидаги эгизаклар образи бўлди. Мазкур спектаклда у бир вақтнинг ўзида тўрт хил характердаги образларни ярата олди. Унинг бу образлари бошқаларидан тубдан фарқ қилади. Эгизаклар ташқи кўринишдан бир-бирларига жуда ўхшасаларда уларнинг ички дунёси тамомила бошқа-бошқа. Шу образлар орқали актёр инсонийлик, меҳр-оқибат, поклик каби хислатлар билан бир қаторда қаллоблик, виждонсизлик, текинхўрлик сингари иллатларни ўта ишонарли қилиб томошабинга етказа олган.

Мазкур спектакль театрда қўйилаётган пайтда асар муаллифи Москвада ижодий сафарда бўлиб, ўз асари қўйилганидан хабар топади ва спектаклни томоша қилиш учун Тошкентга келади. У актёр маҳоратини юксак баҳолайди. Мана шу образлари учун Лутфулла Саъдуллаев Иттифоқ миқёсидаги 1-даражали дипломни қўлга киритди.

**— Бир-бирига ўхшамаган ролларни ижро этиш учун турли кўриниш, турли ҳолат талаб қилинади. Характери, дунёқараши тўғри келса ҳам ташқи кўриниши мос келмаслиги мумкин. Сизда ҳам шундай бўлганми!**

— Мен ҳамиша Павел Корчагиндек иродали бўлишга ҳаракат қиламан. Агар қаҳрамоним орик бўлса озаман, ёки акси. Масалан, Островский ролини менга топширишди-ю, бироз семизроқлигим туфайли режиссёр иккиланди. Мана шу образни яратишни жуда истаганим учун ҳам тез кунда керакли вазнга тушиб олдим.

Юрий Яковлевнинг «Нуридийдам Володя» пьесасидаги Володя образи актёр учун катта имтиҳон бўлди. Уни жонли қилиб яратиш учун актёр доҳий ҳаёти ҳақидаги асарларни кўплаб мутолаа қилди. Шу билан бирга бошқа театрларда Ленин образини яратган етакчи актёрлар билан суҳбатлашди, маслаҳатлар олди.

Актёрнинг тиришқоқлиги, тинмай изланиши, устозлардан олган ўгитлари ўз самарасини берди. У 1979 йил юксак ижрочилик маҳорати учун Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати бўлди, 1981 йил эса Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди.

Л. Саъдуллаев оиласини кўплаб муштарийларимиз яхши билишади. Унинг умр йўлдоши, доимий партнёри, Ўзбекистон ССЖ Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист Гулчеҳра Саъдуллаевани кўпчилик танийди. Лутфулланинг айтишича, уларнинг тақдирини «Қисмат» боғлаган. Ўшанда театр ва рассомлик санъати институтининг биринчи курс талабаси Гулчеҳра Узукжамол образини юксак маҳорат билан ижро этганди. Шундан сўнг улар кўплаб спектаклларда биргаликда қатнашишди. Саҳнадаги роллар ёшлар тақдирини бир умрга боғлади. Улар оилада ҳам, саҳнада ҳам ҳамкор, ҳамнафас.

1986 йил ташкил этилган «Сатира» театрига уларни бажонидил қабул қилишди. Бу ерда «Тобутдан товуш», «Жанжал», «Адашганлар» спектаклларида етакчи ролларни ижро этишди. Бироқ кўп ўтмай яна болалар театрига қайтишди.

Л. Саъдуллаев фақат роллар яратибгина қолмай, бир неча асарларни саҳналаштирди. Яқинда у О. Шарифнинг «Қаҳқаҳа кечаси»ни, Т. Муҳиддиннинг «Адашганлар» пьесасини катта саҳнага олиб чиқди. Унда етакчи образни маҳорат билан ижро этган ёш актриса Г. Дадамирзаева Ўрта Осиё ва Қозоғистон ёш томошабинлар театрларининг регионал кўригида «Совет аёли» ойномасининг умидли актрисаси» мукофотига сазовор бўлди. Бунда Л. Саъдуллаевнинг ҳиссаси катта, албатта.

Л. Саъдуллаев қаламига мансуб ҳикоя, шеър, интермедиялар рўзнома ва ойномаларда бир неча бор чоп этилган. Унинг «Муҳаббат» номли шеърига эса хонанда А. Отабеков куй басталаган. Шунингдек, «Афғон» йигитларига атаб ёзган «Муродига етмаганлар» пьесаси ҳадемай саҳна юзини кўради.

Лутфулла Саъдуллаевдан нима сабабдан болалар театрини танлаганини сўраганимда, оддийгина қилиб қалби пок, ишонувчан болаларни севаман, деб жавоб берди.

Бугун бетакрор истеъдод соҳиби, «болажон» актёрни кўп минг кишилик мухлислари, касбдошлари, устозу шогирдлари 50 ёши билан муборакбод этишмоқда, Биз ҳам муштарийлар номидан Лутфулла Саъдуллаевни самимий қутлаб, унга янги-янги ижодий парвозлар тилаймиз.

**Р. УСМОНОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

**● Суратларда: юқорида (чапда) Л. Саъдуллаев Ойбекнинг Навоий видеофильмида Ҳайдар ролида; ҳинд ёзувчиси Премчанднинг «Келин» спектаклидан кўриниш.**

# АТРОФ-МУҲИТ МУАММОЛАРИ — МУҲОКАМАДА

«Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг экологияси» — яқинда бўлиб ўтган жумҳурият илмий-амалий конференцияси шу мавзуга бағишланди. Бунинг сабаби шундаки, жумҳуриятимизнинг асосий саноат маркази ҳисобланган бу вилоят табиати — суви, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, об-ҳавоси энг ифлосланган минтақа ҳисобланади.

Ўзбекистон ССЖ «Билим» жамиятининг жумҳурият иқтисодий ва илмий-техникавий тарғибот уйи. Табиатни муҳофаза қилиш бўйича Тошкент вилоят ва шаҳар қўмиталари ташкил этган бу конференцияда олимлар, корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлар раҳбарлари, табиатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар қатнашдилар. Улар уч кун давомида мунозаралар олиб боришди, вилоят табиатини мусаффо сақлаш юзасидан амалга оширилган ишларни қайд қилиш қатори ҳали бу муҳим масалада катта камчиликлар борлигини, атроф-муҳитни ифлослантираётган манбалар жуда секин камаяётганлигини, бу муаммони бартараф этиш бўйича белгиланган тадбирлари доираси торлигини, бунинг устига улар ҳам вақтида амалга оширилмаётганлигини таъкидладилар. Умуман вилоятда экологик вазият ниҳоятда мушкуллигича, кўп жойларда унинг ҳатто инсон саломатлиги учун ҳам хавфли эканлигига етарли баҳо берилмаётганлиги афсусланарли бир ҳолдир.

Конференцияда вилоят ва Тошкент шаҳрида табиат мусаффолигини яхшилаш юзасидан тавсия ишлаб чиқилди.

**М. МАҲМУДОВ.**

# ЁНҒИНДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Турар жойлардаги иситиш ускуналаридан нотўғри фойдаланиш оқибатида кейинги пайтларда ёнғин содир бўлиши бирмунча кўпайди. Хонадонларда йил бошидан буён юз берган 1875 ёнғиннинг уй эгаларига 85 минг сўм зарар келтирган 245 тасига мана шу сабабдир.

Ҳаво совиши муносабати билан шундай ёнғинлар содир бўлиши эҳтимоли янада ортади.

Тошкент вилоят ижроқўми Ички ишлар бошқармасининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлими ва вилоят кўнгилли ўт ўчирувчилар жамияти Сизларга печ ва бошқа иситиш ускуналаридан фойдаланишда қўллаш зарур бўлган қуйидаги тадбирларни:

— мўриларни йиғилиб қолган қурумлардан тозалашни;

— печь ва мўрилардаги ёриқларни бартараф қилиш; ўтхона эшикларини таъмирлаш ва уларни соз ҳолатда сақлашни;

— Ўт ёқиш пайтида ўтхоналарнинг эшикчаларини ёпиқ бўлишини таъминлашни:

— Ўт ёқиш туйнуги олдига 50×70 см ўлчовли юзага эга металл листни қоқиб қўйишни;

— печ ёқиш пайтида унинг ёнида ўтин сақлаш, кир қуритиш, ўтхонаси олдида унга ёнма-ён ҳолатда бир кеча-кундузга мос миқдордан ортиқ ўтин тахлаш мумкин эмаслигини;

— ўтхонали печлар катталарнинг доимий назоратида бўлиши кераклигини, печ ёқишни болаларга ишониш ва печ ёқиладиган иморатларда уларни ёлғиз қолдириш мумкин эмаслигини.

## ЭСЛАТАДИ

— печкаларга ўт ёқиш учун бензин, керосин ва шунга ўхшаш тез аланга олувчи суюқликлардан фойдаланишни;

— печкаларни ҳаддан ташқари қизиб кетишига йўл қўйишни

## МАН ҚИЛАДИ



● Печларни болалар ёқишига рухсат берманг.



● Вақтинчалик печлардан фойдаланиш ёнғинга сабаб бўлади.



● Ўтин, кийим-кечакларингизни печлар ёнида қуритманг.




● Мўриларнинг созлигини, тозалигини текширинг.




● Печлар олдида бензин, керосин ва бошқа тез аланга олувчи суюқликлар сақламанг. Улардан печларни ўт олдиришда фойдаланманг.




● Ўт қалаш туйнуклари олдига металл листини қоқиб қўйинг.



● Қўлбола электр иситгич асбобларини ишлатманг.

Газ билан ишловчи печлардан фойдаланишда газлаштириш ва газни улаш ишларини кўнгилли ўт ўчириш жамияти, уй-жой бошқармаси ва ноҳия (шаҳар) газ бошқармаси рухсатисиз бажармасликни эслатиб ўтамиз.

Уйдан чиқиб кетаётганда ёки уйқуга ётиш олдидан газни ўчириш керак. Акс ҳолда оловнинг узилиши, газнинг сирқиб чиқиши ва тўпланиши портлаш ҳавфи бўлган ёнғинни юзага келтиради.

Газ исини сезишингиз билан чироқни ёқмай, очиқ олов билан фойдаланмасдан туриб дарҳол хонани шамоллатинг, сўнгра содир бўлган носозликни аниқлаб, бартараф қилиш керак.

Печларни жорий таъмирлаш, мўриларни тозалаш, шунингдек янги печларни монтаж қилиш ишларини кўнгилли ўт ўчирувчилар жамиятининг мутахассислари бажаришлари керак. Мазкур ишларни бошқа шахсларга ишониш тавсия этилмайди.

Ёнғинлар кўпинча вақтинчалик печ («буржуйка»)ларнинг қўлланилишидан келиб чиқади. Бунга асосан печ ва мўриларнинг нотўғри ўрнатилганлиги сабаб бўлади. Бундан ташқари ишлатиш давомида чўғдай қизиб кетиши ва унга ёнувчан буюмларнинг тегиб қолиши ҳам ёнғин чиқаради.

Хоналарни иситишда ҳеч қачон «қўлбола» электр иситгич асбобларидан фойдаланманг. Бундай асбобларнинг электр қувватини истеъмол қилиши кучли бўлиб, ўтказгичларда қисқа туташув юз беришига ва ёнғинга олиб келади.

Саноатда ишлаб чиқарилган электр иситгичлардан фойдаланишда электр тармоғини ортиқча кучланмаслигини назорат қилинг. Бунинг учун бир розеткага бир вақтнинг ўзида икки-учталаб ток қувватини қабул қилувчи манбаларни уламанг.

Бу мураккаб бўлмаган қоидаларга амал қилсангиз Сиз иситиш асбобларини ишлатишда ёнғин чиқишининг олдини олган бўласиз. Иситиш печларини ўрнатиш, ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш масалалари бўйича Сиз ноҳия кўнгилли ўт ўчирувчилар жамиятига ёки ёнғиндан муҳофаза қилиш давлат назоратига мурожаат қилишингиз мумкин.

*Тошкент вилоят ижроия қўмитаси Ички ишлар бошқармасининг ёнғиндан сақлаш бўлими*

*Тошкент вилоят кўнгилли ўт ўчирувчилар жамияти*

*• Ўзбекистон ССЖ Қонунини амалга оширамиз*

# ПАНАДАГИ ЮЛҒИЧЛИК

«Ташгалантерейторг»га қарашли 13-магазин ходимлари тушлик пайтида бир ерга йиғилдилар. Улар магазин мудираси Валентина Зубкованинг важоҳатига тикилиб, кайфиятини билишга интилишарди. Чунки у — раҳбар. Таъбига ёқмаганларни бир зумда «қисқартириб» юбориши мумкин. Ким ёғлиқ луқмасини олдиргиси келади? Шунинг учун савдо ходимлари мудирага хушомадомуз жилмайишар, қўлларини кўксига қўйиб, «Хизматингиздамиз», демоқчи бўлишарди.

В. Зубкова қовоғини очмасдан, ўрнидан турди. Қўлидаги рўзномани намойишкорона юқорига кўтарди.

— Ўртоқлар! Жумҳуриятимизда «Савдодаги суиистеъмоллар ва чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» Қонун қабул қилинди. Диққат билан тинглаб, мағзини чақинглар.

Мудира Қонунни ўқиб бўлгач, сотувчиларга важоҳат билан тикилди:

— Тушунарлими? Энди бундан буён қадамларингни билиб босинглар. Кимки қўлга тушса, ўзидан кўрсин. Совет савдо қоидаларига амал қилиш шарафли бурчимиз бўлиб қолиши лозим.

Савдо ходимларининг баданида чумоли ўрмалагандек туюлди. Кимдир эшикка қўрқа-писа қараб қўйди. Яна бир ваҳимачи ичида калима келтирди...

Қонундаги жазолар Валентинани ҳам чўчитиб қўйганди. У «Эй, худо, ОБХСС, милиция балосидан ўзинг сақлагайсан», дея пичирлади. Энди ҳушёрлик керак. Эрта-индин текшир-текшир бошланиб қолиши мумкин. У шу ҳаёлда тунов куни яшириб қўйган 507 сўмлик ноёб сочиқ ва дастурхонларни енг ичида таниш чайқовчиларига пуллаб, қутилмоқчи бўлди. Қарангки, энди иш бошлаганда БХСС ходимлари кириб келишди. Халқуми қуруқшаб, оёқларига титроқ кирди...

Ҳа, шу кунларда шаҳар ички ишлар бошқармаси БХСС бўлими хоналарида ярим тунгача чироқ ўчмайди. Қилни қирқ ёрадиган ходимлар газак олиб кетган чайқовчилик ҳамда савдодаги ўзбошимчаликларга қарши астойдил кураш бошладилар.

Яқинда шаҳар БХСС бўлими оператив зарбдор гуруҳлари милиция майори Эркин Қаюмов бошчилигидаги Киров ноҳияси БХСС ходимлари билан биргаликда шаҳар аҳолиси таъминоти учун ажратилган турли хил озиқ-овқат, саноат маҳсулотлари, саноат моллари ва рўзғор буюмларини очиқ савдодан яширган, шу йўл билан бойлик орттиришга уринган бир гуруҳ савдо ходимларини қўлга туширдилар.

Савдодаги нопок нусхаларнинг айби билан халққа деб келтирилган маҳсулотлар, моллар ва буюмлар пештахта юзини кўрмай изсиз йўқолмоқда. Масалан, Собир Раҳимов ноҳиясидаги озиқ-овқат савдоси ташкилотига қарашли 49/I-магазин филиалининг катта сотувчиси Раҳим Назаров 2079 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотини яшириб қўйибди. Шу ноҳиядаги ошхоналар трестига қарашли 13-ошхона омборчиси Неъмат Боймуҳаммедов 5 қоп унни 150 сўмга сотиб, 40 сўм, 80 тийин фойда кўрган.

Баъзан меҳмонлар олдига қўйиш учун ширинлик тополмаймиз. Лекин чайқов бозорига чиқсангиз, икки-уч баравар қимматига конфетларнинг турли хилидан сотиб олишингиз мумкин. Бундай чайқовчиларни Октябрь озиқ-овқат савдоси ташкилотига қарашли 1-дўкон сотувчиси Наталья Ким сингари устакорлар узлуксиз таъминлаб турадилар. Наталья дўконига келтирилган 374 сўм 50 тийинлик «Ўзбекистон конфетлари», балиқ консервалари, 39 дона майонез ва 28 қути синтетик сақични киши билмас яшириб қўйди. Ўзбекистон спорт савдоси ташкилотига қарашли 2/4 магазинининг ходими Акром Алиев 2 та «Салют-С» спорт велосипеди ва 4 жуфт спорт пойафзали (жами 436 сўмлик)ни пинҳона пулламоқчи эди. Афсус...

Нукуслик ресторан ошпази Тошмуҳаммад Рўзиев тошкентлик кашандаларнинг «дуо»сини олиш учун шахсий машинасида минг машаққат билан етиб келганда БХСС ходимлари уни тегишли жойга етаклаб олиб кетишди. Ахир, савоб иш-гуноҳми?! 3 қути (1 минг 500 пачка) «Родопи» сигаретининг ҳар бирини 3 сўмдан сотса нима бўпти? «Ноинсоф»лар тинтув қилиб, 550 сўм пулини ҳам мусодара қилишди.

Хуллас, Киров ноҳияси БХСС бўлими ходимлари шу йилнинг 11 ойи мобайнида савдодаги суиистеъмоллик ва чайқовчилик билан боғлиқ 137 та жиноятни очдилар. Шундан 66 таси анча йирик. Қўлга туширилган 58 минг сўмлик саноат моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари давлатга қайтарилди.

Чайқовчиликка қарши курашда Тошкент ҳисоб-кредит техникумининг кўнгилли талабалари БХСС ходимларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Ўрни келганда, шаҳар БХСС бўлими ходимлари дардларини ҳам айтиб кетайлик. Гап шундаки, йирик шаҳримизда нима кўп, магазин, чайқовчилар кўп. БХСС бўлимида эса ходимлар жуда кам. Бунинг устига уларга транспорт, алоқа воситалари етишмайди. Бизнингча, ҳозирги вазиятда савдо ва чайқовдаги жиноятчилар олами билан кураш олиб бораётган кишиларга ҳам ғамхўрлик қилиш, эътибор бериш лозим.

**М. НУРИДДИНОВ.**









**● Суратларда: очиқ савдодан яшириб қўйилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари.**

**Муаллиф суратлари.**

ИЗОҲ: буларнинг ҳаммаси очиқ савдога қўйилиб, шаҳар аҳолисига сотилди.

## БУ ТУРФА ОЛАМ

### ҚИММАТГА ТУШМОҚДА

СИНГАПУР аҳолисининг кўзхиралик касали катта миллий муаммолардан бири бўлиб қолди, деб ёзади маҳаллий «Бизнес таймс» рўзномаси. Шаҳар — давлатдан бу дилхиралик бўйича фақат Япония ва Тайван олдинда туради. Мутахассисларнинг фикрича афтидан бу мамлакатлар информатика ва электроника соҳасида жаҳоннинг етакчи давлатларига айланиб қолганликлари оқибатидир.

Сингапурда кўзхиралик касали авлодий хусусият касб этадиганга ўхшайди. Расмий маълумотга қараганда, бошланғич мактаблар биринчи синф ўқувчиларининг ярмидан кўпроғи шу дардга мубтало бўлган. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Ео Чу Тонгнинг айтишича, «Кўзхиралик фақат кўпайибгина қолмасдан янада оғирроқ шаклларга айланмоқда».

●

### МАШҲУР БОТАНИКА БОҒИ

БОГОР ботаника боғи жаҳонда тропик ўсимликларининг ниҳоятда бойлиги билан ҳақли равишда фахрланади. Ташкил этилганига 173 йил бўлган бу боғда бундай ўсимликларнинг 12 мингтадан ортиқ турлари, шу жумладан орхидея, бошқа ноёб гулларнинг, ўтлар ва дарахтларнинг 900 навга яқин турлари бор. Боғнинг майдони деярли 900 гектарни ташкил этиб, Ғарбий Яванинг ажойиб манзарали тоғ ноҳиясида, Индонезия пойтахтидан 60 километр узоқликда жойлашган.

Ботаника боғи ҳузурида Индонезияда етакчи илмий-тадқиқот маркази ташкил этилган. Бу ерда маҳаллий ва ҳориждан келган мутахассислар жануб флораси ва фаунасини ўрганадилар. Сўнгги йилларда тропик ўрмонлар курраи заминимизнинг «яшил ўлкаси» бойликларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш билан чуқур шуғулланиляпти. Бу ерлик селекционерлар плантация экинлари ва мевали дарахтларнинг яхшиланган навларини яратдилар.

Муҳаррир
**Н. НАСИМОВ.**

Тошкент вилояти умумий овқатланиш бошқармаси жамоаси ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи С. С. Валиевага турмуш ўртоғи **Рустам Алиевич СОБИРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

*• Эълонлар бурчаги •*

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
**27, 28 декабрь соат 19.00 да,**
**29, 30 декабрь соат 15.00 ва 19.00 да**

**«ҲАЗИЛ–2»**

**ЯНГИ ПРОГРАММА**

ҚАТНАШАДИЛАР:

**«ҚИЗИҚЧИ—89» кўригининг ғолиблари ва совриндорлари:**

**Обид Асомов, Мирза Ҳолмедов, Тўхтамурод Азизов, Собит Асомов, Ботир Муҳаммадхўжаев;**

**Ўзбекистон ССЖ халқ артисти**
Малика АҲМЕДОВА

**Ўзбек сеҳргари, оригинал жанр устаси**
Фарҳод РАЖАПОВ

**ва бошқалар**

**Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номли Давлат мукофотининг совриндори Абдурашид РАҲИМОВ.**

**Патталар соат 11.00 дан сотилади.**

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ
**(«Ташкентская правда»)**
**Орган Ташкентского обкома Коммунистической партии Узбекистана и областного Совета народных депутатов**
**Издается на узбекском языке**
**МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ГСП, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32**
**ТЕЛЕФОНЛАР: 33-40-48, 32-53-54 хатлар ва оммавий ишлар бўлими.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Д. — 1906. Индекс: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12